

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

## 361 Юридик шахс мақоми бериладиган бюджет ташкилотлари тўғрисидаги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 14 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 861-1*

*(2010 йил 24 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 мартдаги ПҚ–609-сон «Умумтаълим мактабларининг намунавий штатларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 14-сон, 136-модда), 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ–700-сон «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 40-сон, 413-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 майдаги 139-сон «Халқ таълими муассасалари харажатларини молиялаштириш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 46-сон, 504-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 1999 йил 17 декабрда 236, 210 ва 737-сон билан тасдиқланган Юридик шахс мақоми бериладиган бюджет ташкилотлари тўғрисидаги буйруқ (рўйхат рақами 861, 1999 йил 28 декабрь) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 4 октябрь,  
83-сон

**361-модда**

— 190 —

**40-41 (436-437)-сон**

**Халқ таълими вазири**

**А. МАРАХИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 4 октябрь,  
37-сон

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**А. ИКРАМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 4 октябрь,  
06-3/275-сон